

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

МУНОСАБАТ

Президентнинг парламентга Мурожаатномаси: тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолияти текширувларига мораторий

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва республикаимизни 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси халқимиз томонидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олинди.

Мурожаатномада кириб келаётган 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ўстиришда фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларнинг аҳамияти юқори эканлигини аълолади. Мазкур йиғилишда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, мамлакатимизда фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида **2018 йилдан бошлаб 2 йил муддатга барча тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишни тўхтатиш тақлиф этилди.** Ва, табиийки, бу тақлиф йиғилиш иштирокчилари томони-

дан гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Демак, Президентимизнинг мазкур тақлифи билан 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини текширишга янги мораторий эълон қилинади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш, яъни мораторий эълон қилиш дастлаб республика Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармони билан белгиланган эди. Мазкур мораторийнинг амал қилиш доираси чекланган бўлиб, у солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ

текширувдан ўтказишга нисбатан белгиланган бўлиб, у 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача амалда бўлган эди.

Президентнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сон Фармонига асосан юқорида таъкидланган мораторий амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган эди.

Муқаддам тақдим этилган мораторий фақат кичик бизнес субъектларига, шунда ҳам уларнинг барчасига эмас, балки солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширган кичик тадбиркорлик субъектларига тааллуқли бўлган бўлса, Президент Мурожаат-

номасида тақлиф этилган мораторий юртимиздаги барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига – кичик бизнес субъектларига ҳам, йирик корхоналарига ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, режалаштирилаётган мораторий фақатгина молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга тааллуқли бўлиб, бошқа турдаги текширувлар, яъни аҳоли саломатлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган санитария-эпидемиология органлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва бошқа текширувчи органлар томонидан амалга оширилаётган текширувларга нисбатан қўлланилмайди.

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Президентнинг Халқ қабулхоналари ҳузуридаги марказлар давлат хизматлари кўрсатади

Президентнинг 12.12.2017 йилдаги Фармони билан аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. У Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари негизда ташкил этилади.

2018 йил 1 январдан бошлаб «Ягона дарча» ягона марказлари Давлат хизматлари марказларига айлантирилади, улар Президентнинг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритади. 2018–

2020 йилларда фақат Давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та давлат хизмати босқичма-босқич жорий этилади. Фақат тадбиркорлик субъектларига эмас, балки аҳолига ҳам хизматлар кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Уларнинг қаторида:

➢ уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши;

➢ яқка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга рұхсатнома;

➢ турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш;

➢ турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар мавжуд.

Маълумот учун: бугунги кунда фақат «ягона дарча» ягона марказлари орқали тадбиркорларга 17 та давлат хизмати кўрсатишмоқда.

2018 йил 1 февралга қадар Давлат хизматлари ягона реестри шакллантирилиши керак. Келаси йилнинг 1 июнидан бошлаб мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатиш тақиқланади.

Шунингдек:

➢ Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилди;

➢ Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 13.12.2017 йилдан кучга кирди.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Касаба уюшмасига бадал ажратиш мажбурийми?

4-БЕТ

АвтоНорма: фирма ҳайдовчисининг малака ошириши; автомобиль чорраҳада ўчиб қолса

8-БЕТ

Ноғиронлиги бўлган шахсга таътил пули қандай ҳисобланади?

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Биз асосий воситани харид қилиш учун шартнома туздик. Шартномага кўра олдиндан тўлов 50% миқдорида белгиланган эди, бироқ биз қарийб 75% тўладик. Бизга шартнома умумий қийматининг 38%и суммасидаги товарни бердилар. Қолган суммани қайтармадилар ва қолган товарни етказиб бермадилар.

Кейинчалик етказиб берувчи товар нархини ўзгартирди. Сўнг биз АВни қимматроққа сотиб олишга мажбур бўлдик.

Биз жавобгарга қийматдаги фарққа пеня ҳисоблашни сўраб судга даъво аризаси бердик. Суд бизнинг фойдамизга қарор чиқарди. Бироқ жавобгар апелляция шикоятни бериб, унда пеня ортиқча ҳисобланганини, сабаби у МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилиши кераклигини кўрсатди.

Қарздоримиз қандай асосга кўра Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича пеняни қайта ҳисоблашни талаб қилиши мумкин?

Ф.Кунгратов, бош бухгалтер.

Қонуний неустойка

— Агар сотувчи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш мажбуриятини бажармаса ва олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, олдиндан тўланган сумма учун фоизлар тўланиши лозим (ФКнинг 327-моддаси). Фоизлар шартнома бўйича товар топширилиши лозим бўлган кундан бошлаб у сотиб олувчига топширилган ёки унга олдиндан тўлаган суммаси қайтариб берилган кунгача тўланади. Шартномада сотувчининг олдиндан тўланган сумма учун фоизларни бу сумма сотиб олувчидан олинган кундан бошлаб тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 420-моддаси 4-қисми).

Бошқа шахсларнинг пул маблағларини **гайриқонуний ушлаб қолиш**, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлаш-

ни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асосиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоиз Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ҳисоб ставкасига тенг. Қарз суд тартибида ундириб олинганда суд кредиторнинг талабини даъво кўзгатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади (ФКнинг 327-моддаси 1, 2-қисмлари).

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб

берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буйрутмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50%идан ошиб кетмаслиги лозим («Хўжалик юритиш субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади (Қонуннинг 24-моддаси 2-қисми).

Қонун ҳужжатларида товар тўлиқ (ўз вақтида) етказиб берилмаганлиги (мажбуриятлар бажарилмаганлиги) учун фоизлар тўланиши белгиланганлиги сабабли, агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорингиз юқорида кўрсатилган нормаларга мувофиқ МБнинг қайта молиялаштириш ставкасида ташкилотингизга фоизларни тўлаши керак.



Ташкилотимизда 2016 йил декабридан бошлаб ходимларнинг иш ҳақидан Миробод туман касаба уюшмасига тўловлар (МХТФдан фоиз кўрунишида) ажратилар эди. 2017 йил октябридан бошлаб ходимлар касаба уюшмасининг масъулиятсиз муносабати тўғрисида бадаллар ажратишдан бош тортидилар. Бироқ касаба уюшмасининг ходимаси ташкилотимиз ажратмалар тўлашдан бош тортишига ҳақли эмас деб айтди.

Касаба уюшмасига бадаллар ажратиш мажбурийми, бундан қандай бошлангич ҳужжатлар билан расмийлаштириш зарур?

Ш.Хўжаева, бош бухгалтер.

Танлаш ҳуқуқи

— Ташкилотингиз ходимлари касаба уюшмасига ажратмалар тўламай қўйишга ҳақли.

Касаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир («Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси ҳисобланиши сабабли

унда иштирок этиш ихтиёрий тусга эга бўлиши керак. Муайян жамоат бирлашмасини тузган фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўйбга чиқариш учун ихтиёрий равишда бирлашадилар («Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир (Конституциянинг 59-моддаси).

Касаба уюшмаси фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билди-

ришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма ҳисобланиши сабабли **ҳодим — касаба уюшмаси аъзоси** ундан чиқиш учун ариза бериши ва аъзолик бадалларини тўлашни тўхтатишига ҳеч нима тўсқинлик қилмайди.

Ҳодим касаба уюшмасидан чиқанидан кейин касаба уюшмасига ажратмаларни тўхтатиш тўғрисида қорхонангиз бухгалтериясига ариза бериши ва унга кўрсатилган ташкилотдан чиқиш ҳақидаги ариза нусхасини илова қилиши керак.

Корхонадаги бош ҳужжат


Хусусий ташкилот локал ҳужжат қабул қилиб, уни «Корхонанинг конституцияси» деб номламоқчи.

Хусусий ташкилотнинг ички локал ҳужжати «конституция» деб номланиши ҳуқуққа зид эмасми? Локал ҳужжат номига ушбу сўзни қўшганлик учун қандай жавобгарлик чораси қўлланади?

Корхона юристи.

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида локал норматив ҳужжатлар номланишига доир муайян талаблар ёки чекловлар ўрнатилмаган. Локал норматив ҳужжат номида «конституция» сўзидан фойдаланганлик учун жавобгарлик ҳам йўқ.

«Конституция» сўзи кўп маъноли атама ҳисобланади. Ҳуқуқий маънода у биринчи навбатда — олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Ушбу атамадан физиологик маънода ҳам фойдаланилади.



Мамлакатимизда локал норматив ҳужжатларни «конституция» деб номлаш аънанаси йўқ ва амалиётда қабул қилинмаган, сабаби ушбу сўз аввало давлат томонидан қабул қилинган олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатни англатади. Тегишинча, локал ҳужжатлар айланмасида ушбу атамадан фойдаланиш унинг мақомини белгилашда ва қўллашда қийинчилик туғдириши мумкин деган фикрдамиз. Бунинг устига, локал норматив ҳужжат номи сифатида қўллаш мумкин бўлган атамалар талайгина: директива, йўриқнома, регламент, низом, қоидалар, сиёсат, тартиб-таомил ва б.

Шуни қайд этиш лозимки, агар мамлакат Конституцияси давлат учун олий юридик кучга эга бўлган бош норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланса, қорхоналарда одатда қорхонанинг устави ёхуд таъсис шартномаси олий юридик кучга эга локал ҳужжат саналади.

Шу сабабли **локал норматив ҳужжат номланишида «конституция» сўзидан фойдаланиш ҳуқуққа зид эмас, бироқ мақсадга номувофиқ** деб ҳисоблаймиз.

Абдурахмон Бахтиев,
«Norma Online» эксперти.

Эълолар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотураж жой офис учун ижарага топширилади, мебели билан.
Т. (+99890) 956-44-35.

Александр Лобанов,
«Norma Online» эксперти.

РАСМИЙ ЖАВОБ

Эшитишимча, келаси йилдан бошлаб юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган барча ҳайдовчилар малака ошириш курсларидан ўтишлари керак эмиш. Мен фирма директориман, фирмага тегишли автомобилни бошқараман. Бу вазиятда мен ҳам малака ошириш курсларидан ўтишим керак бўладими ёки ушбу қоида штат жадвалига кўра хизмат машиналарида расман ишловчи ҳайдовчиларгагина тегишлими?

А.Порфирев. Тошкент ш.

Қоида ҳамма учун баробарми?

Газетхоннинг саволини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига йўлладик. Бош бошқарма бошлиғи Холматжон Сайдалиев унга қуйидагича жавоб берди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4.09.2017 йилдаги «Инновацион ўқитиш услубларини жорий этиш йўли билан ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 693-сон қарорига мувофиқ, юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган шахслар 2018 йил 1 январдан бошлаб икки йилда бир марта малака оширишга мажбур (2-банд).

Ваше обращение в виртуальное приёмное министра внутренних дел страны, рассмотрено.

Сообщаем, что в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 04.09.2017 года № 693 «О дальнейшем совершенствовании системы подготовки и переподготовки, а также повышения квалификации водителей путем внедрения инновационных методов обучения» (пункт 2), с 1 января 2018 года, лица, управляющие автотранспортными средствами, принадлежащими юридическим лицам, обязаны проходить повышение квалификации один раз в два года.

Начальник Главного управления



X.A. Saidaliyev

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Ҳайдовчилик гувоҳномасидаги янги белги

Россияда профессионал ҳайдовчилар, яъни таксичи, узоққа қатновчи ва ёлланган ҳолда автомобиль бошқарувчи бошқа фуқаролар учун янги таълим дастурлари тайёрланмоқда.

РФ Транспорт вазирлиги автомобилчиларни ҳаваскорлар ва профессионалларга ажратмоқчи. Бундан буён ёлланган ҳолда ишламоқчи бўлганлар махсус таълим олишлари керак бўлади, уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаларида эса тегишли белги пайдо бўлади.

Мамлакатда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунга тузатишлар тайёрланмоқда. Улар касбий компетенцияни тасдиқлаш зарурати билан профессионал ҳайдовчиларни ўқитиш учун янги дастурларни жорий этади ва ҳаваскор ҳайдовчиларни ўқитишни осонлаштиради.

Ҳайдовчининг гувоҳномасида касбий компетенциясини тасдиқловчи белги қайд этилиши кўзланмоқда. Усиз иш берувчи фуқарони ишга қабул қилишга ҳақли бўлмайди. Бундай белгининг мўлжалдаги амал қилиш муддати – 5 йил, уни такроран олиш учун малака ошириш, тиббий текширувдан ўтиш ва белгиланган тартибда имтиҳон топириш зарур бўлади.

Новости РАА Транспорт вазирлигига ҳавола қилган ҳолда хабар беришича, идора профессионал фаолиятни амалга оширувчи ҳайдовчилар иш берувчи ҳузурига автомактабда етарли даражада тайёрланмаган ҳолда ўқиб келиши, иш берувчилар уларни ўз ҳисобидан тайёрлашига тўғри келаётганидан ташвишланмоқда.

Мажбурий тўхташ

Ҳайдовчи тўхташ тақиқланган жойда мажбурий тўхтаганда қандай ҳаракат қилиши керак? Автомобиль йўлини кесиб ўтиш жойида ўчиб қолган бўлса, нима қилиш зарур?

Р.А. Тошкент ш.

– Агар сиз қатор сабабларга кўра йўлда тўхташга мажбур бўлсангиз, авария ёруғлик ишорасини ёқилиши зарур. Бурилишни кўрсатувчи барча ёруғлик ишораларининг бир вақтда милтиллаши авария ишоралари ҳисобланади. Авария ишораси қуйидаги ҳолларда ёқиши керак:

➤ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

➤ тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхталганда;

➤ чироқлар ёруғлиги ҳайдовчининг кўзини қамаштириганда;

➤ шатакка олишда (шатакка олинган транспорт воситасида).

Автомобилингиз хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолларда ҳам йўл ҳаракати қатнашчиларини огоҳлантириш мақсадида уларни ёқиш керак (ЙЎҚнинг 50-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).

Йўл-транспорт ҳодисаси содир

бўлганда, тўхташ тақиқланган жойларда ёки тўхтаган жойидаги кўриниш транспорт воситасини бошқа ҳайдовчилар томонидан ўз вақтида пайқаб олишга тўсқинлик қиладиган жойларда мажбурий тўхтаб қолганда, шунингдек авария ёруғлик ишораси ишлаганда ёки ўрнатилмаганда авария тўхташ белгиси – милтиллашчи қизил чироқ ўрнатилди.

Бундай белги (чироқ) ҳайдовчиларни хавфли вазият ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш имконини берадиган масофада ўрнатилиши керак. Бу масофа аҳоли яшаш жойларида транспорт воситасидан 15 метр, аҳоли яшамайдиган жойларда эса – 30 метрдан кам бўлмаслиги керак (ЙЎҚнинг 51-банди).

Темир йўл кесилишида мажбуран тўхтаб қолганда дарҳол одамларни тушириш ва кесилиш мени бўшатиш чораларини кўриш зарур.

Шу билан бир вақтда ҳайдовчи:

➤ имконияти бўлганда, яқинлашиб келаётган поезд машинистига тўхташ ишорасини бериш қоидасини тушунтириб, икки кишини темир йўл ёқаси бўйлаб иккала томонга 1 000 метр масофага (агар бир киши бўлса – уни йўл яхши кўринмайдиган томонга) юбориши;

➤ транспорт воситаси ёнида қолиши ва умумий хатар ишорасини (битта узун ва учта қисқа товуш серияси) бериши;

➤ поезд кўринганда тўхташ ишорасини (кундузи ёрқин мато парчаси ёки аниқ кўринадиган бирор нарса билан, тунда эса машъала ёки чироқ билан кўлни гир айлантириш орқали) бериб, у келаётган томонга югуриши керак (ЙЎҚнинг 120-банди).

АВТОЯНГИЛИКЛАР

ЙЎҚни бузиш статистикаси

Пойтахт ИИББ маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 январидан 1 декабрига Тошкент ИИББ ЙЎҚБ ходимлари йўл ҳаракати қоидалари 924 736 марта бузилиши ҳолатини аниқладилар. 270 143 таси – ЙЎҚни қўпол бузиш, шу жумладан 65 047 таси – тезлик режимини ошириш ҳолатлари бўлган.

15 мартдан бошлаб шаҳарнинг 115 та чорраҳасидаги фақат фото- ва видеоқайд этиш камералари орқали ЙЎҚни 200 002 та бузиш ҳолати қайд этилган. Шундан 90 588 та ҳолатда ҳайдовчилар светофорнинг тақиқловчи белгисида ҳаракатланишни давом эттирганлар, 109 414 тасида – йўл қўйилган тезликни оширганлар.

11 ой ичида Тошкентда 240 365 та транспорт воситаси мажбурий техник кўрикдан ўтказилган, улар қуйидагиларга тегишли:

юридик шахсларга – 54 113 та ТВ;

жисмоний шахсларга – 186 252 та автомобиль.



Бензиннинг ўртача нархлари хусусида

1 литр бензиннинг ўртача нархи Қозоғистонда 0,54, Беларусда 0,63, Россияда 0,69, Тожикистонда 0,75, Украинада 1,03, Туркияда 1,43, Германияда 1,61, Буюк Британияда 1,62, Италияда 1,83 АҚШ доллари ташкил этади. Ўзбекистонда 1 литр бензин бугун ўрта ҳисобда 0,52 АҚШ долларига тенг.

Манба: ЎЗА.

Тошкентдаги 10 мингдан ортиқ ҳайдовчи янги гувоҳнома олди

Жорий йил октябридан янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари берилма бошлагандан буён пойтахтдаги 8 404 нафар ҳайдовчи ушбу ҳужжатни янгиллаб олди. Яна 1 977 та фуқаро автомактабни тугаллагач, янги гувоҳнома соҳиби бўлди.


Автомобилчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автотранспорт рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намунасини олиши ВМнинг 2.03.2017 йилдаги 116-сон қарори билан белгиланган.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва автототранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 10 йил муддатга берилди. Ҳайдовчилик гувоҳномаларини 2018 йил 31 декабрга эъза аризага биноан ихтиёрий равишда алмаштириш мумкин. Кўрсатилган ҳужжатлар берилган санадан қатъи назар, 2019 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабрга ушбу талаб мажбурий ҳисобланади. Гувоҳномаларни янгисига алмаштириш учун ҳайдовчи паспорт, эски намунадаги гувоҳнома ва унинг талонини тақдим этиши kiffoя.

Автомобилчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2017–2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда алмаштирилади.

Манба: guvd.uz.

Рақамлар ва далиллар



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА «ЯГОНА ДАРЧА» ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОЛАР КАЛИТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОЛАР СЕРТИФИКАТЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 18.12.2017 йилдаги 50 (810)-сон, 1231-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги 864-сон «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қарор қиладилар:

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2017-66-сон

Адлия вазирли
Р.ДАВЛЕТОВ.
1-6/29-1434/8-сон

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг биринчи ўринбосари
О.УМАРОВ.
158-мх-сон

Тошкент ш., 2017 йил 1 декабрь.

ЎзР ДСҚ, АВ ва АТКРВнинг
2017 йил 1 декабрдаги 2017-66,
1-6/29-1434/8 ва 158-мх-сон қарорига
ИЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА «ЯГОНА ДАРЧА» ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ЯГОНА МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОЛАР КАЛИТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОЛАР СЕРТИФИКАТЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2015 йил 14 декабрдаги 358-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ва 2017 йил 23 октябрдаги 864-сон «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали

кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарорларига асосан тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан буён матнда «ягона дарча» марказлари деб юритилади) орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Ягона дарча» марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш «Давлат ва ҳужжалик

*Ушбу ҳужжат 12.12.2017 йилда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган

бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эриш фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш» давлат хизмати сифатида кўрсатилади.

Ушбу давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) томонидан тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъминли бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

электрон рақамли имзо (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини ЭРИнинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда ЭРИнинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

ЭРИнинг ёпиқ калити – ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда ЭРИни яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг очик калити – ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, ЭРИнинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИ калитининг сертификати – ЭРИнинг очик калити ЭРИнинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжат. ЭРИ калитининг сертификати электрон ҳужжат шаклида ва қорғоз ҳужжат шаклида тайёрланиши мумкин;

ЭРИ ёпиқ калитининг пароли – ЭРИ ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шартли белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг ёпиқ калити эгаси – ЭРИни яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига ЭРИ калити сертификати берилган жисмоний шахс;

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш – ЭРИ калитининг сертификатини амал қилишнинг тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш ёхуд уни бекор қилиш.

3. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш ваколатли орган томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг (бундан буён матнда аризалар деб юритилади) «ягона дарча» марказлари орқали берилган аризаларига асосан ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда Ягона портал деб юритилади) орқали берилган аризаларига асосан амалга оширилади.

4. «Ягона дарча» марказлари ҳамда ваколатли орган ўртасидаги ҳаракатлар ЭРИдан фойдаланилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали амалга оширилади.

5. ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун тўлов миқдори ваколатли орган томонидан оммавий оферта билан белгиланади.

ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун тўлов суммаси ваколатли органнинг банк ҳисобрақамига ўтказилади ҳамда унинг 10 фоизи ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус очилган шахсий ҳисобрақамига ўтказилади.

Ваколатли орган реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар «ягона дарча» марказлари ва ваколатли органнинг расмий сайтларида жойлаштирилади ҳамда мунтазам равишда янгиланган бўлади.

2-БОБ. ЭРИ КАЛИТИ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

6. Аризачи ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги аризани ваколатли органнинг оммавий офертаси билан олдиндан танишганидан сўнг, «ягона дарча» марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси воситасида тақдим этади. Ягона портал орқали электрон шаклда берилган ариза ваколатли органга тўғридан-тўғри юборилади.

Аризачининг аризани тақдим этиши ваколатли органнинг оммавий офертасида белгиланган шартларга розилигидан далолат беради.

7. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилганидан сўнг уни бир иш соати мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органга идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборади.

3-БОБ. АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЭРИ КАЛИТИ СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

8. Ваколатли орган «ягона дарча» марказидан аризани қабул қилиб олган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризани кўриб чиқади, ЭРИ калитининг сертификатини беради ёки ЭРИ калитининг сертификатини беришни асосли равишда рад этади.

9. Ваколатли орган аризани кўриб чиқишнинг ижобий натижаларига асосан ЭРИ калитларини рўйхатга олади ва ЭРИ калитининг сертификатини расмийлаштиради.

ЭРИ калити сертификатининг электрон ҳужжат шакли «ягона дарча» марказига идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборилади.

10. ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ваколатли орган томонидан аризада кўрсатилган мобил телефон рақамига смс хабар шаклида юборилади.

11. «Ягона дарча» маркази ваколатли органдан ЭРИ калитининг сертификатини қабул қилиб олган вақтдан бошлаб аризачини бир иш соати мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилади.

12. ЭРИ калити сертификатини олиш учун ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси «ягона дарча» марказига қуйидагиларни тақдим этади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юридик шахснинг вакили (юридик шахснинг раҳбари бундан мустасно) бўлса, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилия, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ушбу ЭРИ ёпиқ калити эгасига ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисидаги юридик шахснинг хати;

ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини электрон ҳужжат шаклида ёзиб қўйиш ва сақлаш учун ўзга маълумотлар манбаини.

13. «Ягона дарча» маркази ходими ЭРИ калитларини ва ЭРИ



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробит тумани, Таълимардон кўча, 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш вақтида қуйидагиларни амалга оширади:

ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахсининг гувоҳномаси, хорижий шахсининг гувоҳномаси) асосида унинг шахсини аниқлайди;

таркибиди рўйхат олинган ЭРИ калитлари ва электрон ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификатини бўлган файлни аризачи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаига ёзиб қўйди ва файлнинг ёзилганлигини текширади;

ЭРИ калитининг сертификатини қроғ ҳужжат шаклида икки нусхада чоп этади ва ЭРИ ёпиқ калити эгасига ҳар бир нусхасини имзолаш учун беради;

ЭРИ ёпиқ калити эгаси томонидан имзоланган ЭРИ калитининг сертификатини бир нусхасини қайтариб олади.

14. «Ягона дарча» маркази ходими ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш жараёнида аризачи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши, улардан нусха олиши ва ўчириши ҳамда ЭРИ ёпиқ калити эгасидан ЭРИ ёпиқ калити паролини сўраб олиши тақиқланади.

15. Ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлиши мумкин: аризачининг ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

аризачи тақдим этган аризада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун тўлов амалга оширилмаганлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, ЭРИ калитининг сертификатини бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномани унинг аниқ асосларини, рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиш мuddатларини ва қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда «ягона дарча» марказига ариза «ягона дарча» марказидан қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида юборлади. Агарда аризачи томонидан ариза ваколатли органга тўғридан-тўғри Ягона портал орқали келиб тушган бўлса, ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома аризачининг ўзига Ягона портал орқали ариза қабул қилиниб олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида юборилади.

17. «Ягона дарча» маркази ваколатли органдан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризачини қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилади.

18. ЭРИ калитининг сертификатини беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар аризачи томонидан бартараф этилган тақдирда, аризаани қайта кўриб чиқиш аризачи томонидан «ягона дарча» марказига ёки Ягона портал орқали ваколатли органга рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этиш ҳолда тақдим этилган ариза олинган вақтдан бошлаб мазкур Низомининг 7-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Аризани қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ЭРИ калити сертификатини беришни илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

19. Аризачи ваколатли органининг ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномаси, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

4-БОБ. ЭРИ КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ БОШҚАРИШ

20. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги ариза «ягона дарча» марказига ҳозир бўлиш тартибда берилади.

21. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юридик шахсининг вакили (юридик шахсининг раҳбари бундан мустасно) бўлса, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилия, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги юридик шахсининг хати.

22. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида «ягона дарча» марказининг ходими қуйидагиларни амалга оширади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси жисмоний шахс ёки юридик шахсининг раҳбари бўлса, шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахсининг гувоҳномаси, хорижий шахсининг гувоҳномаси) асосида унинг шахсини аниқлайди.

23. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилгандан сўнг уни бир иш соати мобайнида ваколатли органга юборлади.

24. Ваколатли орган «ягона дарча» марказидан ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризани кўриб чиқади ва аризада кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификати билан зарур бўлган ҳаракатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

25. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари ва ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан «ягона дарча» марказига электрон ҳужжат шаклида юборилади.

26. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аризачини хабардор қилади.

5-БОБ. ҚОҒОЗ ҲУҶЖАТ ШАКЛИДАГИ ЭРИ КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

27. «Ягона дарча» маркази қроғ ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификатини электрон кўринишда ваколатли органга идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборлади.

28. Ваколатли орган қроғ ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитларининг сертификатларини сақлаш учун «ягона дарча» марказларидан ушбу Низоми 2-иловасига мувофиқ Электрон рақамли имзолар сертификатлари реестри бўйича ҳар чоракда чорак ўтгандан кейинги ойнинг 25 санасигача қабул қилиб олади.

6-БОБ. «ЯГОНА ДАРЧА» МАРКАЗЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ЭРИ КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ БЕРИШ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

29. Ваколатли орган «ягона дарча» марказларининг ходимларига ушбу Низомида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатларини ҳудудий адлия бошқармаларининг хатлари асосида бепул равишда беради.

30. «Ягона дарча» марказларининг ходимларига ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш ваколатли органининг ходими томонидан жойларда ёки ваколатли органда амалга оширилади.

31. Ваколатли орган томонидан «ягона дарча» марказлари ходимларининг ЭРИ калитлари сертификатларини бошқариш ҳудудий адлия бошқармаларининг хатлари ва ЭРИ калитлари сертификатларининг нусхалари асосида амалга оширилади.

7-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

32. Ушбу Низоми талаблари бузилишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

33. Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	«Ягона дарча» марказига ариза бериш	Аризачининг хоҳишига кўра
2-босқич	«Ягона дарча» маркази	1. Давлат хизмати паспортига мувофиқ аризанинг тўлиқлигини текшириш. 2. Аризани унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берган ҳолда Электрон журналда рўйхатдан ўтказиш. 3. Аризачига аризанинг олингани тўғрисида тилхат бериш ёки унинг нусхасига белги қўйиш. 4. Аризани сканерлаш ва уни ЭРИ билан тасдиқлаш. 5. Аризани электрон шаклда ваколатли органга юбориш.	Бир иш соати мобайнида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Аризани олиш ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқишни таъминлаш. 2. ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ қалити сертификатини расмийлаштириш ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини тайёрлаш. 3. ЭРИ қалити сертификатини ЭРИ қалитлари сертификатлари реестрига киритиш ва уни расмийлаштириш. 4. ЭРИ сертификатини ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини электрон тарзда «ягона дарча» марказига юбориш.	Аризани олгандан кейин бир иш соати мобайнида
4-босқич	«Ягона дарча» маркази	1. Ваколатли органдан ЭРИ қалити сертификатини ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини олиш. Аризачини аризада кўрсатилган усулда хабардор қилиш. 2. ЭРИ ёпиқ қалити эгасига ҳозир бўлиш тартибда ЭРИ қалитларини ва ЭРИ сертификатини ўзга маълумотлар манбаига ёзиш. Қўғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ қалити сертификатини расмийлаштириш ва ЭРИ ёпиқ қалити эгасига бериш. 3. Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг электрон журналига тегишли ёзувларни киритиш.	Аризани кўриб чиқиш натижалари олингандан кейин бир иш соати мобайнида

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш _____ туман (шаҳар) ягона маркази орқали 201__ йил ____ чорақда берилган электрон рақамли имзолар қалитлари сертификатлари РЕЕСТРИ

Т/р	ЭРИ ёпиқ қалити эгасининг Ф.И.Ш.	Берилган сана	ЭРИ қалити сертификатининг рақами	ЭРИ қалити сертификатининг амал қилиш муддати	Изоҳ

Ваколатли органга _____ та қўғоз ҳужжат шаклидаги имзоланган ЭРИ сертификатлари топширилди.

Топширди

Қабул қилди

(имзо) («ягона дарча» маркази ходимининг Ф.И.Ш.)

(имзо) (ваколатли орган ходимининг Ф.И.Ш.)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Фуқаролар йиғинлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси ишсизларни ишга жойлаштиради

Вазирлар Маҳкамасининг 5.12.2017 йилдаги 964-сон қарори билан Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига қўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлиномлари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

«Ишга жойлаштириш» автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) ўзаро ҳамкорликни таъминлайди

Унинг ёрдамида юқорида кўрсатилган тузилмалар ходимлари — ишга жойлаштириш бўйича агентлар Меҳнат вазирлигининг Бўш иш ўринлари миллий он-лайн-базасидан фойдаланишлари мумкин. Улар унга қуйидагиларни киритади:

- тегишли муассасаларга мурожаат қилган иш қидираётган банд бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотлар: унинг Ф.И.О.си, паспорт рақами, СТИР, яшаш манзили, жинси, туғилган санаси ва жойи, оилавий аҳволи, қарамоғидогиларнинг мавжудлиги, таълим бўйича олинган маълумоти, малакаси ва олдинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

- иш берувчилардан олинган бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар: аниқ бўш лавозим, меҳнат шароитлари, иш ҳақи миқдори, маълумоти даражасига нисбатан талаблар, малакаси, иш тажрибаси, ташкилотнинг СТИР.

Барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси бўлиномлари Интернетга уланган ҳолда компьютер билан жиҳозланади.

Маълумотларнинг ягона ахборот базаси ташкил қилинади

Ишга жойлаштириш бўйича агентлар унга қуйидаги маълумотларни киритади:

- фуқаролар йиғини ҳудудда яшайдиган ва ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган шахсларни;

- салоҳиятли иш берувчиларни, биринчи навбатда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жумласидан бўлган иш берувчиларни.

Ишга жойлаштириш бўйича агентлар моддий рағбатлантирилади

2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш натижаларидан келиб чиқиб, ишга жойлаштириш бўйича агентларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади.

Ташкилотлар 10%гача иш ўринларини захирага қўйишади

Вазирлар Маҳкамасининг 5.12.2017 йилдаги 965-сон қарори билан Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Захирага қўйиладиган иш ўринлари кўпаяди
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйишлари даркор. Захирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сони — ўртача ходимлар сонининг 10%гача (жумладан, ногиронлар учун камида 3%). Амалдаги тартибга кўра ходимларнинг ўртача сонининг 7%гача ва ногиронларни ишга жойлаштириш учун камида 3% иш ўринлари захирага қўйилади.

Иш ўринлари кимлар учун захирага қўйилади

Иш ўринлари фуқароларнинг қуйидаги тоифалари учун захирага қўйилади:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар;

- сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Қуrolли Кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

- ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар (эркаклар — 58 дан 60 ёшгача, аёллар — 53 дан 55 ёшгача);

- жазони ижро этиш муассасаларидан чиқарилган, озод этилган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

- одам савдоси қурбонлари.

Тахририятдан. Хужжатнинг амалдаги тахрири билан қиёслаганда кўрсатилган рўйхатга муҳим ўзгаришлар киритилмаган. Унинг алоҳида позицияларига аниқлик киритилган, шунингдек, шахсларнинг янги тоифаси — одам савдоси қурбонлари киритилган.

Иш ўринларини захирага қўйиш босқичлари

Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар ҳар йили:

- 1 августдан кеч бўлмаган муддатда лавозимларни ҳисобга олган ҳолда келгуси йил учун захирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сонини белгилайди;

- 15 августдан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда маълумотларни туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш марказига (БКМ) тақдим этади.

Ташкилотлардан йиғилган барча маълумотларни БКМ таклифлар тарзида тегишли ҳокимликларга юборади. Шаҳар (туман) ҳокими ҳар бир ташкилотдаги захирага қўйиладиган иш ўринларининг сони бўйича қарор чиқаради. Қарорда қабул қилиниши шарт бўлган муҳтожларнинг ҳар бир тоифаси сони

ЎЗБЕКИСТОН YOSHLAR ITTIFOQI



Тўлов миқдорини Меҳнат вазирлиги меҳнат бозоридagi реал вазиятдан ва ҳар бир аниқ туман (шаҳар)даги бандлик динамикасидан келиб чиққан ҳолда, ЭКИХ миқдорининг 5%идан кўп бўлмаган миқдорда белгилайди.

Ишга жойлашганликни сугурта бадаллари тасдиқлайди

Банд бўлмаган шахсни ишга жойлаштиришнинг ҳаққонийлиги автоматик равишда аниқланади. «Ишга жойлаштириш» ААТга солиқ органларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларининг ҳар ойда тўлангани тўғрисидаги маълумотлари келиб тушади.

Бунда сугурта бадаллари ишга қабул қилиш тўғрисидаги ахборот киритилган санадан бошлаб камида 6 ой мобайнида тўланган тақдирда, ҳар ойлик сугурта бадаллари эса қонунчиликда белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган суммада тўланган тақдирда банд бўлмаган шахс ишга жойлаштирилган ҳисобланади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 7.12.2017 йилдан кучга кирди. Низом 1.01.2018 йилдан амалга киритилади.

ва иш ўринлари захирага қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати кўрсатилади. Ҳокимнинг қабул қилинган қарори ҳақида ташкилотларга 5 октябрча хабар қилиниши керак.

Келаси йил бошланишидан камида 10 кун олдин иш берувчи ўзи учун белгиланган захирага қўйиладиган иш ўринлари сонининг 25%и тайёрлигини таъминлаши ва бу ҳақда БКМни хабардор қилиши керак. Қолган қисми келаси йилнинг I чораги давомида таъминланади, бу ҳақда иш берувчи БКМни хабардор қилади (I чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай).

Шунингдек, ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунгача туман (шаҳар) БКМга тасдиқланган шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт. Ишга қабул қилиш иш берувчи томонидан мустақил равишда ёки БКМнинг йўлланмаси бўйича амалга оширилади.

Мавсумий ва вақтинчалик иш ўринларини захирага қўйишга йўл қўйилмайди.

Захирага қўйишдан бош тортганлик учун — жарима, белгиланган нормаларни оширганлик учун — имтиёзлар

Муҳтожлар учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича ҳокимнинг қарори бажарилмаганлиги, шунингдек уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотнинг мансабдор шахси МЖТКнинг 49, 50-моддалари бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

Иш берувчи томонидан иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги ва уларнинг амалда тайёр эмаслиги ҳокимларнинг қарорлари бажарилмаслиги сифатида қаралади.

Ҳокимлар иш ўринларини белгиланган сондан ортиқ захирага қўйган иш берувчилар учун имтиёзлар белгилаши, масалан, ишлаб чиқариш участкалари (цехлар) ташкил этиш учун нотурав жой биноларини биринчи навбатда ажратиши мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 11.12.2017 йилдан кучга кирди. Низом 1.04.2018 йилдан амалга киритилади.



Семинарда кўтарилган саволлар

«Норма маслахатчи»нинг ўтган сониди (19.12.2017 йилдаги 51-сон) меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига бағишланган семинарда тилга олинган, кўп учрайдиган ва қизиқарли саволларга бир нечта жавобларни чоп этган эдик. У «Норма» профессионал ривожланиш марказида ўтган эди. Семинарда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси Наталья Клевцова иштирок этди. Бугун ногирон ходимлар учун тўловларга доир саволларга жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Тайёрлаш чоғида «Ходимлар билан ҳисоблашиш» («Расчёты с персоналом»), «Амалий бухгалтерия» («Практическая бухгалтерия») ЭМТдаги айрим тушунтиришлар ва мисоллардан фойдаланилди.

Ишлайётган II гуруҳ ногиронига 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб йиллик узайтирилган асосий таътил (30 кун) берилди. Ҳисоб-китоб қилиш кунинда лавозим маоши 975 000 сўмни ташкил этган. Ўтган 12 ой учун 4 680 000 сўм миқдорида мукофот суммалари ҳисобланган ва тўланган. Корхонада барча ходимлар учун 6 кунлик иш ҳафтаси жорий этилган.

Ногиронга таътил пули қандай ҳисобланади?

— Ишлайётган I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календарь кун давом этадиган йиллик узайтирилган асосий таътил берилди (МКнинг 135-моддаси).

Таътил пулини тўлаш учун маблағларни ҳисоблашнинг умумий тартиби ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибининг (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова) 1-банди ҳамда 40 соатлик иш ҳафтаси ва иш вақти балансини ҳисоблаш тартибини жорий этишга доир тушунтиришларнинг (Меҳнат вазирлиги ва Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 15.12.1993 йилдаги 1312/12-05/652-сон) 8-банди билан белгиланган. У ногиронларга ҳам таътил берилди. Таътил пули суммаси 6 кунлик иш ҳафтаси ҳисобида ўртача ойлик иш ҳақини кунлардаги ўртача ойлик иш вақти давомийлигига (25,4 кунга) бўлиш ва календарь бўйича таътилни

иш кунлари сонига кўпайтириш орқали (шанба кунларини ҳисобга олган ҳолда) ҳисоблаб чиқарилади.

2017 йил 1–30 ноябргача бўлган даврда иш кунлари — 26.

Ҳисобланган таътил пули суммаси 1 397 244 сўмни (975 000 + 4 680 000 / 12) / 25,4 x 26) ташкил этади.

II гуруҳ ногирони 2015 йил 5 январда ишга кирган. Корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси амал қилади. Т-2 шаклидаги карточка маълумотларига кўра иш йили ва йиллик меҳнат таътилидан фойдаланиш даврлари қуйидагича:

IV. Таътиллار				
Таътил тури ва унинг муддати	Даври	Сана		Асос
		бошланиши	туғаш	
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2015 й. – 05.01.2016 й.	01.04.2015 й.	30.04.2015 й.	Буйруқ (N, сана)
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2016 й. – 05.01.2017 й.	01.04.2016 й.	30.04.2016 й.	Буйруқ (N, сана)
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2017 й. – 05.01.2018 й.	01.03.2017 й.	30.03.2017 й.	Буйруқ (N, сана)

2017 йил 1 ноябрда меҳнат шартномаси бекор қилинди (унинг аризасига биноан).

Ногирон таътилни ишланмаган даврга тегишли кунларига тўғри келадиган суммаларни ушлаб қолиш зарурми?

— МКнинг 164-моддасида назарда тутилган нормага мувофиқ, ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, яъни

таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

Бу ҳолда ходим — II гуруҳ ногирони

ҳисобидан таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан (5.01.2018) меҳнат шартномасини бекор қилган.

Таътиллار муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда 15 календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, 15 календарь кундан кам эса чиқариб ташланади (МКнинг 141-моддаси).

Ногирон ходим 2017 йил февралдан октябргача ишлаган, бу тўлиқ 9 ойни ташкил этади. Январда 26 ка-

лендарь кун ишлаган, у тўлиқ ой сифатида яхлитланади. Яъни жами тўлиқ 10 ой ишлаган.

Ходимга 2017 йил 1–30 мартда (26 иш кунига ҳақ тўлаган ҳолда) 30 календарь кун) узайтирилган асосий таътил берилган. Таътил кунлари сони ишланган вақтга мутаносиб равишда 22 иш кунини (26 / 12 x 10 ой) ташкил этади. Шу тариқа, 4 кун ишланмаган бўлиб қолмоқда.

Таътил пулини ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи 57 500 сўмга тенг бўлганда таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ушланмалар суммаси 230 000 сўмни (57 500 x 4) ташкил этади.

II гуруҳ ногирони 2015 йил 5 январда ишга кирган. Корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси амал қилади. Т-2 шаклидаги карточка маълумотларига кўра иш йили ва йиллик меҳнат таътилидан фойдаланиш даврлари қуйидагича:

IV. Таътиллار				
Кадрлар бўлими	Даври	Сана		Асос
		бошланиши	туғаш	
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2015 й. – 05.01.2016 й.	01.04.2015 й.	30.04.2015 й.	Буйруқ (N, сана)
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2016 й. – 05.01.2017 й.	01.04.2016 й.	30.04.2016 й.	Буйруқ (N, сана)
Узайтирилган асосий (30 к.к.)	05.01.2017 й. – 05.01.2018 й.			

2017 йил 1 июнда меҳнат шартномаси бекор қилинди (унинг аризасига биноан).

Ногирон ишдан бўшаётганда фойдаланмаган таътил учун компенсация қандай ҳисобланади?

— 5.01.2017 йилдан бошлаб то ишдан бўшагунча (1.06.2017 йил) бўлган иш йили учун у узайтирилган асосий таътидан фойдаланмаган.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси).

Таътиллари муддати юқоридаги мисолда келтирилган тартибда ишланган вақтга мутаносиб равишда аниқланади.

Ходим — II гуруҳ ногирони 2017 йил январдан майгача тўлиқ 5 ой ишлаган. Ишдан бўшаётганда ишланган вақтга мутаносиб фойдаланилмаган таътил кунлари 11 иш кунини (26 / 12 x 5 ой) ташкил этади.

Таътил пулини ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи 57 500 сўмга тенг бўлганда фойдаланилмаган таътил кунлари учун компенсация суммаси 632 500 сўмни (57 500 x 11) ташкил этади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлири ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўғоз бичими — А3. Ҳажми — 2 босма таъби. Боҳоси кўпчилиги билан нақд.
Буғурта т-1292. Адади 1 070. Газета 2017 йил 25 декабрь соат 14.00 да топширилди.

12345